

АДАБИЁТ ХУШОМАД, ТАМАГИРЛИК ВА ЗУЛМКОРЛИКДАН ФОРИҒ БЎЛСИН

Ватан ҳаёти ва қисмати, тақдири, истиқболи ҳақида фикр юритган бирон киши йўқки, адабиётга бош ўрмасин. Хушомад, тамагирлик, зулмкорликдан фориғ бўлган мумтоз адабиёт инсон қалбини заргар олмосни тарашлагандек тарашлайди, тоза нурга тўлдиради; мисли тилсим каби кўп нарсани ўз қаърида сақлайди, деворсиз кўчани кўрсатади.

Агар у ислом нури билан тўйинган бўлса, янада гўзал, одам деган жонзотнинг зеҳният оламини инсоният асрлар мобайнида тўплаган дурлар билан тўлдиради. Омонат дунё учун кераксиз бўлган юклардан қутқаради. У инсон қалбига Ватанга шундай бир улғу муҳаббат жойлайдики, мисли шоир Чўлпондек ўша муҳаббатни ўзига маёқ қилиб олади. Оила, қавми-қариндош назарида муфтий лавозимда кўринган Маҳмудхўжа Бехбудий қалбида бобокалони ҳазрат Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳи алайҳ шеърини ва адабиётга, ватанга муҳаббат, порлоқ имон қалбидан кенг ўрин олгани унинг мақолалари, келтирган шеърини парчала-ридан яққол сезилиб туради.

Байт ва тўртликларда адибнинг тили эмас, қалби сўзлайди. Ватанга муҳаббат оддий муслимнинг имони бутунлигидан далолат. Буюк устозни жамиятга муаллим, ватанга, миллатга посбон этган ўша имон, ўша буюк ва улкан адабиётдир.

Буюк муаллимнинг фақат ўзбек мумтоз шеърятидан эмас, балки форс мумтоз адабиётидан баҳрамандлиги унинг Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Бедил, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, араблардан Абул Ало ал-Маррий, замондошлари Васлий Самарқандий ва бошқалар ижодига назари сезилади.

“Бизга саодатдурки, — дейди Бехбудий, — туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар турки форсий ва ҳар форсийни туркий билмоғи лозимдур. Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, “Маснавий”дин қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Бокий, Сомий, Абдулҳақ Ҳомид, Акрамбек, Санойи, Нобий, Ножийлардан, яна Толстой,

на уламози асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтургонлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафлик китоблар барча тилдан таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Буқрот, Фалотунлардан фойдалангандек, замони ҳозира маданияти Толстой, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур”. Бинобарин Маҳмудхўжа Бехбудий таржима адабиётига ҳам ўзбек ўқувчиларининг эътиборини тортди. (Бунинг натижасида Толстой, Гогол асарлари ўша даврда ўзбек тилига таржима қилингани маълум. Шу билан бирга 20-йилларда европалик адибларнинг асарлари таржимаси миллий матбуотда пайдо бўлишига йўл очилди.) Улуғ муаллимнинг ўзи Туркия матбуотида босилган, хоссатан, таржимон ва шоир Акрам Риҳонийзода томонидан нашр этилган таржималар билан ўзбек ўқувчиларини таништирди.

“Муҳтарам Мусо афанди шарафина” мақоласида Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”-сидан айрим байтларни табдил қилиб эълон қилди. Румийнинг инсониятнинг ибтидоий ҳолатдан юксак маданият, маънавият даражасига кўтарилиш йўллари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тарғиб қилар экан, инсон ҳаётида меҳнатга ижодий ёндашув одамзодни буюклик мақомига кўтарганини маълум этади, Дарвиннинг ғоялари инсоният учун янглик эмаслигини айтади. Ҳатто айрим кишилар зикр этилган фикр Бедил ижодиётида ҳам бор эканини айтишганини таъкидлайди.

Фитратнинг “Мунозара” асари ҳақида тақриз ёзиб, уни муваффақият билан таъриқлар экан, асарда рус тилининг ўрнини кўрсатса яхши бўлишини тавсия этади. Айрим тор фикрли кишилар бу таклифни писанд қилмасликлари ёки хоҳламасликлари мумкин. Аммо Маҳмудхўжа Бехбудий яшаган даврни, чор ҳукумати, унинг ҳарбий ва фуқаро амалдорлари, мустамлакачиликнинг омонат поғонаси-

ҳолатни “Самарқанд фузалолари” мақоласида ҳам кўриш мумкин. Унинг ҳижрий XIII аср охириларида вафот этган шоир Қурбон Муҳаммад Олим Хўжандийнинг ақоидга оид асари ҳақида Васлий томонидан шарҳ ёзилиб, “Ал-фавоид ал-масбута фи ҳалл ақоид ғайр ил-манкута” номи билан нашр этилгани ҳамда ушбу асарга самарқандлик етти шоир мадҳ ёзганини айтади. Уларнинг фикрларини янада тўлдириш учун агар зикр этилган “фузало ва шуаро ўз ўқиган илм ва фанлариға бад тавл соҳибидурлар ва агарда бу муҳтарамлар фунуни жадида ва кашфиёти ҳодиса ва ижоботи замонияға воқиф ўлсалар, ҳукамои сония ва фалосифаи ҳозира ва адабиёти охираға кўз ва кулоқ солмоқға танзил этсалар, шаксиз, талабаға кўп-кўп фойда еткурар эрдилар”, дейди. Ушбу фикрнинг замирига қарасак айtilган сўзлар фақат талабга эмас, шоир ва фозилларнинг ўзига ҳам тааллуқли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бехбудий бу фикрлар билан кифояланмайди. Ўша даврда адабиётга интим шеърят кириб келаётганига ишорат қилиб, “Шуаромиз ҳатти ҳолдин зиёдароқ майл ила миллий ва ижтимоий ва асотирдан мубарро тарихий шеърлар айтсалар ва қудратлик кишилар таъб этсалар, айна манфаати моддий ва маънавийдур. Охирғи вақтларда Тошкандда таъб бўлган баъзи ашъор сабаби фасоди ахлоқ ҳам айбдур, мундай нимарсаларни матбуот ила танқид этмак керак”, дейди.

Интим шеърят халқ ҳаётига зарар келтиришини буюк муаллим ўз даврида айтгани бежиз эмас. “Тиётру, мусиқий, шеър” мақоласида театр санъатининг жамият ҳаётидаги ўрнига шубҳа билдирган Васлий Самарқандийнинг “Садойи Фарғона” газетасида босилган “Шарияти исломия” мақоласига ёзилган жавобда Бехбудий “Мақолаларининг охиридаги ўз сўзлариға кўра ул жанобдан умид қилинурки, ўзларининг “Девони Васлий”лариға



Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ

Маҳмудхўжа Бехбудий ижтимоий шеърятни, давр ва тузум, инсонларнинг ахлоқини гўзаллаштиришга қаратилган адабиётга алоҳида меҳр билан боқади. Адибнинг “Шўро” мажалласида чоп этилган “Эски фикрлардан” мақоласи Абдураҳмон Жомийнинг “Тухфат ул-ахрор”дан саралаб олган айрим байтларнинг ижтимоий, маънавий ва ахлоқий, ҳатто айтиш мумкинки, сиёсий қирраларини кашф этишни китобхон эътиборига ҳавола қилади. Бехбудий ва унинг мутафаккир замондошларини безовта қилган фикр-мулоҳазалар беш юз йил аввал ҳам мавжудлиги билан таништиришга журъат этди. Бидъат, амалдорларнинг мунофиқлиги, разолати ўша даврда ҳам устун бўлганини афсус билан таъкидлайди.

Буюк муаллим ноширлар, босмаҳоналар, матбуот турли асарларни чоп этмоқда, аммо булардаги камчиликларни тузатувчи кишиларимиз ҳали етилгани йўқ, дейди. Адабиёт “қоида ва тартибларга амал қилмай оммага зарар келтургонини танқид этмоқ боиси ислоҳ бўлур...”, “Жаридаларға мақола ва ашъорлар ўқулуб турбдур. Аммо ҳануз танқид давриға етушганимиз йўқ”, дейди афсусланиб.

Туркистон адабий жамияти танқидга тайёр эмаслигини очиқ баён қилади: “Иттифоқан, танқид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларға қаттиғ тегар. Ёзганларимизни бузуқлиги ва фикримизнинг хатолиги, ишимизнинг ноқислигини бирор киши кўрсатса, аччиғимиз келар. Ва ул одамни душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикриға норозилик баён этармизки, бул бизни янгидан ишға бошлаганимиздан, бошқа тил ила ноқислигимиздандур... Диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз...”

“Танқидни кўтаролмаганимизға, тўғриси, ҳануз танқидға лойиқ бўлмаганимиз...”

Адабий танқид аллома эътиборидаги энг муҳим масалалардан бири эканлиги ва Туркистон жамияти жиддий адабий танқидга тайёр эмаслиги юқорида келтирилган кўчирмалардан аён. Аммо шунга қарамай, адиб бу масалага эътиборини сусайтирмагани унинг бошқа мақолаларида ҳам сезилади. Яна бир нарсани таъкидламоқчимизки, буюк устоз адабий танқидга оид, ислом маданиятига оид

Ҳолдуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улғулар мактаби, деган сўздур. Тиётр сахнаси ҳар тарафи ойнадан қилинган бир уйға ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг хусн ва қадихини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур.

Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВ



Санойи, Нобии, Ножиилардан, яна Голстуи, Жул Верн ва уламойи замоний асарини туркий таржимасидан шундай лаззат олур". Кўриниб турибдики, улуғ муаллим адабиётнинг халқлар аро тарқалишида тил билмоқ кераклигини уқтирмоқда. Шу билан бирга, юқоридаги фикрини тўлдириб, русча ва французча билмоқни ҳам тавсия этади. У фикрини давом эттириб шундай дейди: "Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ва русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур на учунки бутун усмонли, Кавказ ва Қозон турклари замо-

да туриб, халқимизнинг заковатли кишилари меҳнати, миллатимиз эрк ва тараққиётига сунъий тўсиқ қўйиш ҳамда миллий маънавият ва маданиятни инкор қилиш билан тантана қилаётган бир даврда уларга қарши маърифат билан курашиш учун душман тилини ўрганиш кераклигини айта олди.

Буюк муаллим фикрлари миллий адабиётимизда адабий танқидчилиكنинг илк куртакларидир, десак муболаға бўлмайди. Ушбу

ёзилган шу шеърдаги байтларини ва шуларга ўхшаш "қабих" юзлар ила "мувашшаҳ" номиндаги нимарсаларни ёзиб, нашр қилмоқ шаръан ва ахлоқан нима эканлигини лутфан баён этсалар эди", дейди ва:

Васлий, охир ошно бўлгум топиб ул шўхни,

Қўйниға бир кеча бўлгум жо топиб ул шўхни

каби бошқа байтларини мисол келтириб, шоирни хижолат қилади. Театр санъати бундай қабоҳатдан юксак эканини айтади.

адабий танқидга оид, ислом маданиятига оид жуда кўп арабча ва туркча ҳамда ўзга тиллардан туркчага таржима қилинган асарлардан, жумладан, Жалолиддин Румийнинг озарбайжон тилига таржима қилинган таржима ва шарҳларидан, туркча шарҳлари билан таниш бўлган. Келтирилган мисолларга суянган ҳолда биз Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср адабий танқидчилигининг йўлбошчиси, дейишга ҳақлимиз. Адиб ижоди бунга яққол мисол.

Сирожиддин АҲМАД